

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ИКРАМОВ ОТАБЕК ИСАКОВИЧ

**КЎЗНИНГ ОРҚА ҚИСМИ ШИКАСТЛАНИШИ БИЛАН КЕЧУВЧИ
ТЕШИБ ЎТГАН ЖАРОҲАТЛАРДА БЕМОРЛАРНИ ЖАРРОҲЛИК
УСУЛИ БИЛАН ДАВОЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Икромов Отабек Исакович

Кўзнинг орқа қисми шикастланиши билан кечувчи
тешиб ўтган жароҳатларда беморларни жарроҳлик усули
билан даволаш самарадорлигини ошириш..... 3

Икромов Отабек Исакович

Повышение эффективности хирургического лечения
больных с проникающими ранениями глаза
с повреждением заднего отдела..... 27

Ikromov Otabek Isakovich

Increasing the efficiency of surgical treatment of patients
with penetrating eye injuries with damage to the
posterior segment of the eye..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
КЎЗМИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ
МАРКАЗИХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ИКРАМОВ ОТАБЕК ИСАКОВИЧ

**КЎЗНИНГ ОРҚА ҚИСМИ ШИКАСТЛАНИШИ БИЛАН КЕЧУВЧИ
ТЕШИБ ЎТГАН ЖАРОҲАТЛАРДА БЕМОРЛАРНИ ЖАРРОҲЛИК
УСУЛИ БИЛАН ДАВОЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Tib888 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.eyecenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Камилов Халиджан Махамаджанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Торопыгин Сергей Григорьевич
тиббиёт фанлари доктори (Россия Федерацияси)

Билалов Эркин Назимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

«Siloam Eye Hospital» Офтальмологик клиникаси
(Жанубий Корея, Сеул)

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «7» июль куни соат 13 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100173, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли, 14-уй. Тел.: (+99871) 217-49-34; факс: (+99871) 217-49-37; e-mail: eye-center@inbox.ru).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (007-А - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100173, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли, 14-уй. Тел.: (+99871) 217-49-34; факс: (+99871) 217-49-37; e-mail: eye-center@inbox.ru.

Диссертация автореферати 2021 йил «25» июль куни тарқатилди.

(2021 йил «25» июль даги 16 рақамли реестр баённомаси).



А. Ф. Юсупов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Ш. А. Джамалова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М. Х. Каримова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси (PhD))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Кўриш аъзоси жароҳати кенг тарқалганлиги, клиник белгиларининг юқори полиморфизми, даволаш мураккаблиги ҳамда клиник-функционал оқибатларнинг оғирлиги сабабли замонавий офтальмологиянинг ижтимоий муҳим муаммоларидан бири саналади. Кўз соққаси жароҳатлари бирламчи ногиронлик таркибида 16,7% ни ташкил этиб, бу кўрсаткич 3,0% ва 28,6% оралиғида ўзгариб туради, ЖССТ маълумотларига кўра «...бирламчи ногиронлик, кўзи ожизлик ва кўриш қобилияти заифлиги тизимида учинчи ўринни эгаллайди. Жароҳат олиш шароити, жароҳат тури, жароҳатловчи агентлар комбинацияси билан белгиланадиган кўплаб кўз органи жароҳатлари ичида кўз соққаси очик жароҳати етакчилик қилиб, бунда тешиб ўтган жароҳатлар асосий ўрин эгаллайди...»¹. Кўз соққаси тешилган жароҳатлар кўз жароҳатлари ичида 15-37% ни ташкил этиб, жараённинг бошдан оғир кечиши, кўз тузилмалари ва пардаларининг кўплаб жароҳатланиши, оғир посттравматик асоратлар ҳамда кўп сонли ноқулай клиник-функционал натижалар билан характерланади. Кўриш органи жароҳати оқибатидаги ногиронликлар ичида кўзи тешилган жароҳатлар етакчилик қилиб, бунда 20 дан 50 ёшгача бўлган беморлар 84,5% ҳолатда ногирон бўлиб қолади, 16-57% ҳолатда эса жараён кўриш қобилиятининг йўқолишига олиб келади.

Жаҳонда кўзнинг орқа қисми шикасланиши билан кечувчи тешиб ўтган жароҳатларда беморларнинг жароҳлик усули билан даволаш самардорлигини ошириш борасида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада халқаро таснифига кўра кўз жароҳати умумий тузилиши, кўз соққаси очик жароҳатида шошилиш ёрдам кўрсатиш, кўз орқа қисми шикастланган кўз тешиб ўтган жароҳатларини жароҳлик усулида даволаш босқичлари ва ҳажмини оптималлаштириш, кўз орқа қисмида жойлашган кўз ичидаги ёт жисмларни олиб ташлаш бўйича клиник тавсияларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш муҳим илмий-амалий йўналишлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини сифат жиҳатдан яхшилаш, жумладан, турли касалликлар натижасида юзага келадиган кўзнинг турли жароҳатли касалликларини ташхислаш, даволаш ва жароҳлик амалиёти асоратларини олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...»² каби вазифалар қўйилган. Шундан келиб чиққан ҳолда кўзнинг орқа қисми шикастланиши билан кечувчи тешиб ўтган жароҳатларда

¹ Kuhn F. The timing of reconstruction in severe mechanical trauma // Ophthalmic Res. – 2014. – Vol. 51, №2. – P. 67-72

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

беморларнинг жароҳлик усули билан даволаш самарадорлигини амалга ошириш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирга қадар Ўзбекистонда механик жароҳат бўйича Б.Л. Поляк таснифи (1957,1972) умум эътироф этилган бўлиб, унда кўриш аъзоси жароҳатлари шикастланиш механизмига кўра таснифланади, бу эса кўз жароҳати моҳиятини тўлиқ очиқ бера олмайди ва даволаш тактикасига дифференциациявий ёндашиш имкониятини бермайди. Ҳозирда кўз жароҳати бўйича дунёда ВЕТТ халқаро таснифи умум эътироф этилган бўлиб (Birmingham Eye Trauma Terminology, США, 1997), у ISOT (International society of ocular trauma) томонидан ҳам тасдиқланган. Ушбу тасниф асосида жароҳат механизми эмас, балки кўз фиброз капсуласи жароҳати, яъни якуний патоморфологик натижа ётади. Замонавий тиббиётнинг тикловчи микрожароҳлик ҳамда фармакотерапия соҳасидаги ютуқлари кўриш аъзоси жароҳатларининг анатомик ва функционал натижаларини кўп жиҳатдан яхшилаш имконини берди (Нероев В.В., 2010; Гундорова Р.А., 1971-2014; Волков В.В., 1972-2016; Тахчиди Х.П., 2019). Аммо, офтальмотравматологиядаги жиддий ютуқларга қарамай, Ўзбекистонда кўз жароҳати муаммоси тўла ўз ечимини топмаган бўлиб, ҳам тиббий, ҳам ижтимоий жиҳатдан муҳимлигича қолмоқда, зеро орқа қисми шикастланган очик кўз жароҳатларида беморларни парваришлаш бўйича шифокорлар ўртасида яқдиллик мавжуд эмас. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасида кўз жароҳатлари тузилиш жиҳатдан батафсил ўрганилган эмас, унинг сабаблари ҳамда клиник-функционал натижаларини белгиловчи омиллар таҳлил қилинган эмас. Кўз ичи ёт жисм (КИЁЖ) билан асоратланган, орқа қисми шикастланган кўз тешиб ўтган жароҳатлари жароҳатларнинг энг оғир кўринишларидан биридир (Бойко Э.В., 2010; Долгих В.М., 2010; Нероев В.В., Белий Ю.А., 2011; Андреев А.А., 2012; Bai H.Q 2011; Kuhn F., Mester V., 2014). Бунда жароҳат кўзнинг деярли барча қисмларини қоплаб олиб, кўз пардалари қисилади, кўз гавҳари шикастланади, шишасимон тана йўқотилади, гемофтальм ва тўр парда

кўчиши содир бўлади. Клиник-тажрибавий текширувлар кўрсатишича, жароҳат даврида механик таъсирдан ташқари кейинчалик, 6 дан 10 кунгача бўлган муддатда жароҳатдан кейинги пролифератив жараён ривожланади. Бунда цилиар тана структуралари, шишасимон тана гиалоид мембранаси, базал витреум ва тўр парда пигментли эпителийсининг шикастланиши пролифератив витреоретинопатия (ПВР) ривожланишига туртки беради (Трояновский Р.Л., 1991; Кислицина Н.М., 2003; Гундорова Р.А., 2004; Запускалов И.В., 2009; Долгих В.М., 2010; Шишкин М.М., 2010; Кочмала О.Б., 2011; Ryan S.G, 1985; Machemer R., 1988; Lewis H. et al, 1991; Abu El-Asrar., 2011). Тикловчи замонавий микрожарроҳлик ютуқлари ёт модда кирган тешикни яхшилаб беркитиш, жароҳатланган кўз тўқималарининг анатомик-топографик ўзаро алоқаларини тиклаш ва ёт жисмларни 100% олиб ташлаш ҳисобига кўз олди қисми тешилган яралар бирламчи жарроҳлик ишлови (БЖИ) самарадорлигини ошириш имконини берди (Гундорова Р.А., 2014; Волков В.В., 2016; Соболев Н.П., 2016). Витреоретинал жарроҳлик (ВРЖ)даги ютуқлар кўзни тешиб ўтган, жумладан, унинг орқа қисми шикастланган жароҳатларда даволашга бўлган кўрсатмаларни анчагина кенгайтирди (Долгих В.М., 2010; Шишкин М.М., 2010; Бойко Э.В., 2013; Трояновский Р.Л., 2013; Kuhn F., Mester V., 2014; Charles St., 2014). Аммо, мавжуд жарроҳлик усулларнинг ранг-баранглигига қарамай, ҳозирга қадар КИЁЖ билан асоратланган кўз орқа қисми тешиб ўтган жароҳатлари бўлган беморларни даволаш тактикасининг ягона концепцияси мавжуд эмас, бунда уни кўздан олиб ташлаш усули, ҳажми ва босқичлари масаласи ҳамон баҳслилигича қолмоқда.

Кўздаги жароҳат жараёни прогнози ва натижаси омиллар ранг-баранглиги билан белгиланади, ва бунда асосий эътибор ихтисослашган ёрдам кўрсатиш даражаси, муддатлари ва ҳажмига, шунингдек, ўтказилаётган жарроҳлик ҳамда медикаментоз даволашнинг оқилоналигига қаратилади. Офтальможарроҳлик ривожланишининг замонавий тенденциялари КИЁЖ мавжуд кўз орқа қисми жароҳати бўлган беморларни даволашга комплекс ёндашув ва операциядан кейинги эрта ва кейинги даврларда асоратларни минималлаштириш учун тикловчи типдаги бир марталик якуний операцияларни бажаришда кўринади (Бойко Э.В., Чурашов С.В., 2010; Андреев А.А., 2012; Нероев В.В., 2010; Машченко Н.В., 2018; Charles St., 2014).

Ўзбекистонда кўрув аъзоси касалликларини эрта ташҳислаш ва даволашда қатор олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган (Мухамадиев Р.О., 2015; Юсупов А.Ф., 2018; Камилов Х.М., 2019; Бахритдинова Ф.А., 2019; Билалов Э.Н., 2020; Каримова М.Х., 2020), бироқ, кўзнинг орқа қисми шикастланиши билан кечувчи тешиб ўтган жароҳатларда беморларнинг жарроҳлик усули билан даволаш самарадорлиги такомиллаштирилмаган.

Тиббиёт ривожининг ҳозирги босқичида аҳолига ихтисослашган офтальмологик ёрдам кўрсатиш беморга соғлиқни сақлаш амалиётининг сўнгги ютуқлари асосида замонавий юқори малакали даражада шошилиш ёрдам кўрсатишни таъминлаш учун кам вақт сарфи тамойилини ўз ичига

олиши керак. Шунинг учун КИЁЖ билан асоратланган кўз орқа қисми тешиб ўтган яраларини жарроҳлик йўли билан даволаш самарадорлигини ошириш бўйича клиник тавсияларни ишлаб чиқиш долзарб муаммолигича қолиб, унинг ечими кўп жиҳатдан даволаш самарадорлигини ошириш имконини бериб, реабилитация самарадорлигини яхшилашга кўмаклашади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбекистон Республикасида кўриш тизимининг турли касалликларини даволаш самарадорлигини ошириш, янги микроинвазив витреоретинал технологияларни қўллаб шикастланган кўз соққаси очик жароҳатларида шошинч ёрдамни такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган (2018–2021 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида кўз соққаси орқа қисми шикастланган очик жароҳатларида энг янги микроинвазив витреоретинал технологияларни қўллаш орқали шошинч ёрдамни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ВЕТТ халқаро таснифига кўра кўз жароҳати умумий тузилишини ўрганиш ва 2015-2019 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасида кўриш аъзоси жароҳатларининг клиник-функционал натижаларини таҳлил қилиш;

кўз соққаси очик жароҳатида шошинч ёрдам кўрсатишда республикада амалга ошириладиган даволаш чора-тадбирлари самарадорлигини баҳолаш ва реабилитация сифатига таъсир қилувчи асосий омилларни белгилаш;

Ўзбекистонда кўз ички ёт жисми бўлган кўз орқа қисми шикастланган кўзни тешиб ўтган жароҳатларини жарроҳлик усулида даволаш босқичлари ва ҳажмини оптималлаштириш;

кўз орқа қисмида жойлашган кўз ичидаги ёт моддаларни олиб ташлаш бўйича клиник тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси катта ёшдаги аҳоли орасида 2015-2019 йиллар давомида кўриш органи жароҳати бўлган 42847 нафар бемор (44070 та кўз) ва 2018-2019 йиллар мобайнида Республика клиник офтальмология касалхонасида кўз ичи ёт жисми билан асоратланган кўз орқа қисми тешиб ўтган яралари даволанган 120 нафар беморнинг амбулатор карталари ва касаллик тарихларининг ретроспектив таҳлили ташкил этган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида келгусида пролифератив витреоретинопатия ва тракцион синдром пайдо бўлишининг олдини олиш учун витреоретинал жарроҳлик билан эрта кечиктирилган муддатда кўз ичидаги ёт жисмларни олиб ташлашнинг клиник хавфсизлиги, самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлигини баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари: Тадқиқотда стандарт офтальмологик; иккита проекцияда орбиталарнинг кенг рентгенографияси; Комберг–Балтин бўйича рентгенлокализация; МСКТ, МРТ усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ВЕТТ халқаро таснифи бўйича Ўзбекистон Республикасида беш йиллик давр (2015-2019) учун кўз жароҳатлари тузилишининг деталли таҳлили амалга оширилган бўлиб, у орқа қисми шикастланган тешиб ўтган кўз яраларининг нафақат тиббий, балки ижитмой аҳамиятини ҳам акс эттиради;

кўз олмаси ичига ёт жисм кириш орқали шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш босқичларида кўз соққаси очик жароҳатлари клиник-функционал натижаларига таъсир қилувчи омилларнинг тури, шу жумладан БЖИ доирасидаги жарроҳлик аралашувлар чекланганлиги очиб берилган, операциядан кейинги даврда жароҳатдан кейинги ривожланиб боровчи пролифератив витроретинопатия пайдо бўлиши, тракцион синдром ривожланиши натижасида юқори технологик микроинвазив витреоретинал аралашувларни бажаришни қолдириш тартиби исботланган;

илк бор кўз орқа қисми шикастланган кўз соққаси тешиб ўтган жароҳатларида 23G микроинвазив витрэктомия йўли билан (бирламчи жарроҳлик ишловидан сўнг 24 соатдан кечикмай) кўз ичи ёт жисмини эрта кечиктирилган муддатларда олиб ташлаш имкониятлари асосланган, шу билан диасклерал усул билан таққосланганда операция жароҳатларини камайтириш, ривожланиб боровчи пролифератив витроретинопатия пайдо бўлиши ва тракцион синдром ривожланишининг олдини олиш имкониятини яратилганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда жарроҳлик амалиётлари ҳажмини танлаш бўйича орқа қисми шикастланган кўз соққаси тешиб ўтган жароҳатларида шошилиш тиббий ёрдам бериш босқичлари учун замонавий клиник тавсиялар ишлаб чиқилган;

бугунги кунда витреоретинал жарроҳлик республикада кам сонли ихтисослашган клиникалардагина амалга оширилишини эътиборга олиб, 23G микроинвазив витрэктомия қўллаб кўз ичи ёт жисми кейинчалик олиб ташлашнинг янги усули бирламчи жарроҳлик амалиётидан сўнг 3 кун ўтмай таклиф этилган;

орқа қисм пардаларидан кўз ички ёт жисмини кейинчалик трансквитреал олиб ташлаш натижалари бирламчи жарроҳлик амалиётини доирасида унинг диасклерал усулда олиб ташлашдан афзаллиги исботланган: тўр парда ва хориоидеяни бевосита интраоперацион шикастлаб қўйиш хавфи камайиши, функционал натижалар яхшиланиши, жароҳатдан кейин пайдо бўладиган асоратлар сони қисқарганлиги очиб берилган, бу эса кўз тешиб ўтган жароҳатлари бўлган беморларнинг ижтимоий ва меҳнат реабилитация қилиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий

жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи аналитик, инструментал, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларида кўзнинг орқа қисми шикасланиши билан кечувчи тешиб ўтган жароҳатларда беморларнинг жарроҳлик усули билан даволашни такомиллаштириш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки Ўзбекистон Республикасида кўз жароҳатларини тузилишини комплекс ўрганиш, шунингдек, 2015-2019 йиллардаги кўриш органлари жароҳатларининг қуйи клиник-функционал натижаларининг батафсил таҳлили, муаммонинг ижтимоий аҳамиятини кўрсатиб, шошилиш ёрдам кўрсатиш босқичларида даволаш чораларини такомиллаштириш, кўз ичидаги ёт жисмларни кейинчалик трансвитреал олиб ташлаш бўйича ишлаб чиқилган услубнинг самарадорлигинатижасида пролифератив витроретинопатия ривожланиши хавфининг, кейинчалик ривожланадиган жароҳат асоратларининг камайиши эришилган анатомик ва функционал натижалар бўйича ҳам диасклерал усулга қараганда хавфсиз эканлигини мақсадга мувофиқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, соғлиқни сақлаш амалиёти учун витроретинал жарроҳлик доирасида трансвитреал усул билан кейинчалик кўз ичи ёт жисмини олиб ташлаш усули таклиф этилган бўлиб, бу касалликни жарроҳлик амалиётида даволаш самарадорлигини ошириш, жарроҳлик аралашувлари босқичлари сонини қисқартириш, клиник-функционал натижаларни камайтириш ва реабилитацион муолажани ошириш имкониятини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кўзнинг орқа қисми шикастланиши билан кечувчи тешиб ўтган жароҳатларда беморларнинг жарроҳлик усули билан даволаш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кўзнинг орқа қисми шикастланиши билан кечувчи тешиб ўтган жароҳатларда беморларнинг жарроҳлик усули билан даволаш усулини такомиллаштириш натижасида олинган илмий натижалар асосида «2015-2019 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасида кўз жароҳатларининг клиник-структур таҳлили» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 8н-д/141-сон маълумотномаси). Натижада жароҳат механизми, ҳажми, мурожаат муддатлари ҳамда даволаш стандартларига киритиш ҳисобга олиб кўз жароҳати бўлган беморларни парваришлаш тактикасига бўлган қиёсий солиштирма ёндашувга қўмаклашиш имконини берган;

кўз олмасининг жароҳатларида беморларнинг жарроҳлик усули билан даволаш усули такомиллаштириш натижасида олинган илмий натижалар асосида «2015-2019 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасида кўз олмасини тешиб ўтган жароҳатларининг клиник-структур таҳлили» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020

йил боктябрдаги 8н-д/141-сон маълумотномаси). Натижада жарроҳлик усулини танлаш, унинг ҳажми, кўздан ёт жисмни олиб ташлаш босқичларини ҳисобга олиб, кўзнинг ичи ёт жисмлари билан асоратланган кўз соққаси тешиб ўтган жароҳатларида реабилитация чора-тадбирлари алгоритминини ишлаб чиқишга кўмаклашиш имконини берган;

кўзнинг орқа қисми шикастланиши билан кечувчи тешиб ўтган жароҳатларда беморларнинг жарроҳлик усули билан даволаш самарадорлигини ошириш янги микроинвазив витреоретинал технологияларни қўллаб Ўзбекистон Республикасида орқа қисм шикастланган кўз соққаси очиқ жароҳатларида шошилиш ёрдамни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика офтальмология клиник шифохонаси, Навоий ва Жиззах вилоятлари офтальмологик шифохоналарининг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 7 майдаги 8н-з/94-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилинишинатижасида кўзнинг орқа қисми шикастланиши билан кечувчи тешиб ўтган жароҳатларида беморларнинг жарроҳлик усули билан даволаш самарадорлиги интраоперацион асоратлар сонини камайтириш, кейинчалик жароҳатдан сўнг юзага келадиган асоратлар сонини қисқартириш, шунингдек, тешиб ўтган яралар функционал натижаларини яхшилаш ва барқарор анатомик самарага эришиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Кўз жароҳатларининг эпидемиологик жиҳатлари, таснифи, клиник тузилиши ва жарроҳлик реабилитацияси тўғрисидаги замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобда адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, у кўз жароҳатлари эпидемиологияси ва таснифи, клиник тузилиши, кўз соққаси тешиб ўтган яралари патогенези ва клиник кечиши, шунингдек, кўриш органи жароҳати бўлган беморларни клиник-функционал ташхислаш тактикасига бағишланган бешта тамойилдан иборат. Бобда муаммонинг замонавий ҳолати ҳақидаги маълумотлар келтирилган бўлиб, кўриш органи жароҳатларини жарроҳлик йўли билан даволашда юртимиз ва хорижий олимлар ютуқлари батафсил ёритилган, бу соҳадаги халқаро тадқиқотларнинг асосий йўналишлари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Кўз жароҳатларининг эпидемиологик жиҳатлари, таснифи, клиник тузилиши ва жарроҳлик реабилитациясини баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи берилган бўлиб, тадқиқотда қўлланган усуллар баён қилинган. Бу боб икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда 2015-2019 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш даволаш-профилактика муассасаларига ихтисослашган офтальмологик ёрдам сўраб мурожаат қилган, кўриш аъзоси жароҳатланган катта ёшдаги 42847 нафар беморнинг (44070 та кўз) амбулатор карталари ва касаллик тарихлари ретроспектив таҳлил қилинган. Мурожаат қилган барча беморлар 5 та белги бўйича текширувдан ўтказилган: жинс, ёш, жароҳат олиш механизми, мурожаат муддатлари ва жароҳат жараёнининг оғирлик даражаси.

Муаллиф изланишлари натижалари 2018-2019 йиллар давомида Республика клиник офтальмология касалхонасида ташхисланган ва даволанган, КИЁЖ билан асоратланган кўз орқа қисми тешиб ўтган жароҳатлари бўлган 120 нафар бемор (120 та кўз) таҳлилинини ўз ичига олади (иккинчи қисм). Гуруҳлар жинси ва ёшига кўра деярли бир хил бўлди. 18 дан 40 ёш оралиғидаги эркаклар кўпроқ 65 % (78 та кўз) бўлиб, уларнинг ўртача ёши 30 ± 9 ёшни ташкил этган.

Аксарият ҳолларда, яъни 91,6% ҳолатда (110 та кўз) КИЁЖ металл бўлган. Орқа қисмда жойлашиб қолган кўпгина ёт жисмлар кичик ҳажмда бўлган - 4 мм гача, аммо кўзни аъзо сифатида сақлаб қолишга хавф туғдирган, яъни мутлақо олиб ташлашга кўрсатмалар бўлган. Барча ҳолларда КИЁЖ рентгенлокализацияга кўра шишасимон тана ва тўр пардада жойлашган бўлиб, бунда жароҳат канали шох парда, склера, кўз гавҳари ва шишасимон тана орқали ўтган. 51,7% (62 та кўз) ҳолатда парчалар шишасимон танада жойлашган бўлиб, бунда 34,2% ҳолатда (41 та кўз) тўр парданинг рикошетли зарарланиши кузатилган. КИЁЖ экватордан марказроқда 16,7% ҳолатда (20 та кўз) преретинал, 17,5% (21 та кўз) ҳолатда интратретинал, 14% (17 та кўз) ҳолатда экватордан четроқда жойлашган. Гавҳарни олиб ташлаш усули алоҳида клиник вазиятдан келиб чиқиб танланди. Ёш беморларда ва орқа капсула анчагина зарарланган ҳолларда гавҳар моддаларини аспирация қилиш усулидан фойдаланилди.

Орқа капсула сақланган беморларда катаракта факоэмульсификацияси қўлланилди. Операциядан аввалги тайёргарлик ангиопротекторлар, 3-4 авлод антибактериал воситалари, шунингдек, маҳаллий антибиотиклар инстилляцияси, НЯҚВва ГКСни тизимли киритишни ўз ичига олиб, инфекция асоратларнинг олдини олиш имконини берди. Тадқиқотлар ВЕТТ (1997) халқаро таснифига асосланган (1-расмга қаранг).



1-расм. ВЕТТ халқаро таснифи бўйича Ўзбекистон Республикасида кўз жароҳатлари тузилиши

Биринчи (асосий) гуруҳга ихтисослашган шошилиш ёрдам 2 босқичда кўрсатилган беморлар (40 та кўз) саралаб олинди. I-босқичда БЖИ бажарилган. II-босқичда ВРЖ (эрта кечиктирилган) доирасида БЖИдан сўнг 24 соат ичида трансвитреал усулда КИЁЖ олиб ташланган. Бунда касаллик муддати 15 ± 5 соат бўлган. Кўриш қобилияти бунда 0,05 дан 0,1 оралиғида бўлган ва ўртача $0,04 \pm 0,01$ ни ташкил этган.

Иккинчи гуруҳга (таққослаш гуруҳи) кечиктирилган ВРЖ ва БЖИ ўтказилган, БЖИ дан сўнг 3 кундан кечиктирмай КИЁЖ олиб ташланган беморлар (40 та кўз) киритилган. Бунда касаллик муддати ўртача $1,75 \pm 0,5$ кунни ташкил этган. Кўриш ўткирлиги 0,01 дан 0,2 гача атрофида тебраниб, ўртача олганда $0,06 \pm 0,04$ гача бўлган.

Учинчи (назорат) гуруҳига КИЁЖни диасклерал олиб ташлаш оқибатида юзага келган посттравматик асоратлар бўйича кейинчалик ВРЖ ўтказилган беморлар (40 та кўз) киритилган. Касаллик муддати 1 дан 2,5 ойгача бўлиб,

ўртача 1,5 ой±10 кунни ташкил этган. Кўриш ўткирлиги ўрганилаётган гуруҳда 0,03 дан 0,25 оралиғида бўлиб, ўртача 0,09±0,03ни ташкил этган.

Барча беморларга стандартофтальмологик текширувлар ўтказилган бўлиб, улар ўз ичига визиометрия, тонометрия, офтальмобиомикроскопия, кераторефрактометрия, эхобиометрия, В-сканерлаш, кўриш майдонларини текшириш, УБМ, конфокал сканерловчи лазерли офтальмоскопия, ОКТ кабиларни ўз ичига олади.

Махсус текширув усуллари 2 та проекцияда орбиталарнинг кенг рентгенографияси, Комберг-Балтин бўйича рентгенлокализация, МСКТ ва МРТни ўз ичига олган.

Тадқиқот давомида олинган натижаларга R-JAMOVİ version 1.1.9. дастурлаш тартибига асосланган маълумотларни статистик қайта ишлайдиган махсус дастур орқали статистик ишлов берилди.

«2015-2019 йиллар бўйича Ўзбекистон Республикасидаги кўз жароҳатлари умумий тузилишини ўрганиш ва кўриш органи жароҳатлари клиник-функционал натижаларини таҳлил қилиш» деб номланган учинчи бобда беморларнинг амбулатор карталари ва касаллик тарихларини ретроспектив таҳлил қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси кўз даволаш-профилактика муассасаларининг йиллик ҳисоботларини ўрганиш орқали Ўзбекистон Республикасидаги 2015-2019 йиллардаги кўз жароҳатларининг клиник тузилиши тадқиқ этилди.

Текширувлар ВЕТТ халқаро таснифига асосланган. Ўзбекистон Республикаси бўйича 2015-2019 йилларда катта ёшдаги аҳоли орасида жами 42589 та (44070 та кўз) кўриш органи жароҳати қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси бўйича кўз жароҳатлари таҳлили кўрсатишича, 44070 та ҳолатдан 34246 таси (77,7%) ёпиқ кўз жароҳати (ЁКЖ)га тўғри келиб, улардан 20678 (46,9%) та ҳолатда тешиб ўтмаган жароҳат, 13568 (30,8%) та ҳолатда эса турли даражадаги контузия қайд этилган. Бунда 9824 та кўзда (22,3%) очик кўз жароҳати (ОКЖ) қайд этилган бўлиб, улардан кўзни тешиб ўтувчи жароҳати (КТЎЖ) билан - 5906 та (13,4%), икки тарафлама тешиб ўтган жароҳат (ИТТЎЖ)- 220 (0,5%), КИЁЖ - 2820 (6,4%), улардан КИЁЖ+КТЎЖ - 2644 (6%) ва КИЁТ+ИТТЎЖ - 176 (0,4%) (1-жадвалга қаранг).

2015-2019 йиллар бўйича Ўзбекистон Республикасидаги кўз жароҳатлари умумий тузилишини ВЕТТ халқаро таснифи асосида батафсил ўрганиш натижасида кўз жароҳати ёш, меҳнатга лаёқатли эркакларда етакчилик қилиши (66,5%) аниқланди. 18дан 39 ёшгача бўлган давр энг “хавфли” давр эканлиги аниқланиб, 5 йиллик давр ичида бу ёшдаги жароҳатлар жами кўриш аъзоси жароҳатлари ичида 68,1%ни ташкил этди, бу эса кўз жароҳати муаммоси ва унинг клиник-функционал натижаларининг Ўзбекистон Республикаси учун тиббий-ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятини кўрсатади. Таҳлил қилинаётган давр ичида республика бўйича кўз жароҳатларининг асосий сабаби маиший жароҳатлар бўлиб (53,4%) асосан уй-рўзғор буюмлари (санчки, пичоқ, таёқ, идиш, шиша, тикин, эшик ва

ҳ.к.)оқибатларида етказилган. Бунда ОКЖ да маиший жароҳатлар улуши кўриш аъзоси жароҳатларининг 75,9% ини ташкил этган.

1-жадвал

2015-2019 йиллардаги кўз жароҳатларининг клиник тузилиши

Жароҳат тури		Йиллар					
		2015	2016	2017	2018	2019	Жами
ЁКЖ	мутл.	7391	7919	6367	5548	7021	34246
	жумл.	76,9%	78,1%	77,4%	76,6%	79,2%	77,7%
Контузия	мутл.	2994	2775	2585	2244	2970	13568
	нисб.	31,1%	27,4%	31,4%	31,0%	33,5%	30,8%
КТЎТМЖ	мутл.	4397	5144	3782	3304	4051	20678
	нисб.	45,7%	50,7%	46,0%	45,6%	45,7%	46,90%
ОКЖ	мутл.	2219	2221	1853	1692	1839	9824
	жумл.	23,1%	21,9%	22,5%	23,4%	20,8%	22,3%
Йирти-лиш	мутл.	214	144	131	210	179	878
	нисб.	2,2%	1,4%	1,6%	2,9%	2,0%	2,0%
КТЎЖ	мутл.	1338	1328	1128	963	1149	5906
	нисб.	13,9%	13,1%	13,7%	13,3%	13,0%	13,4%
ИТТЎЖ	мутл.	52	47	46	33	42	220
	нисб.	0,5%	0,5%	0,5%	0,5%	0,5%	0,5%
КИЁЖ+КТЎЖ	мутл.	571	664	510	462	437	2644
	нисб.	5,9%	6,5%	6,2%	6,4%	4,9%	6,0%
КИЁЖ+ИТТЎЖ	мутл.	44	38	38	24	32	176
	нисб.	0,6%	0,4%	0,5%	0,3%	0,4%	0,4%
Жами	мутл.	9610	10140	8220	7240	8860	44070
	нисб.	21,8%	23,0%	18,7%	16,4%	20,1%	100%

Жароҳат олган пайтдан бошлаб беморларнинг муружаат қилиш муддатлари текширилганда шикастланиш туридан қатъи назар, беморларнинг кеч муружаат қилиши аниқланди (65,41%) (2-жадвалга қаранг).

Бир томондан, беморларнинг кеч муружаат қилиши, шошилиш ёрдамни ўз вақтида олиш лозимлиги ҳақида хабардор эмаслигини кўрсатса, иккинчи томондан, прогностик жиҳатдан зарарли омил бўлиб, инфекцион ва яллиғланиш турдаги оғир асоратларнинг эрта ривожланишига таъсир қилади

ва бундай хавф жароҳат олгандан сўнг 6 соат ўтгач, янада ошади (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Жароҳатдан сўнг беморларнинг мурожаат қилиш муддатлари

Жароҳат тури	Мурожаат қилиш муддатлари						Жами
		1 кун	2-5 кун	6-14 кун	15-30 кун	1-3 ой	
ЁКЖ	мутл.	11198	7226	5890	4966	4966	34246
	нисб	32,7%	21,1%	17,2%	14,5%	14,5%	77,7%
ОКЖ жумл.	мутл.	4047	3016	1650	737	374	9824
	нисб	41,2%	30,7%	16,8%	7,5%	3,8%	22,3%
Йиртилиш	мутл.	318	349	88	27	96	878
	нисб	36,2%	39,7%	10,1%	3,1%	10,9%	2,0%
КТЎЖ	мутл.	2433	1616	1255	416	186	5906
	нисб	41,2%	27,4%	21,3%	7,0%	3,1%	13,4%
ИТТЎЖ	мутл.	96	63	37	17	7	220
	нисб	43,6%	28,7%	16,8%	7,7%	3,2%	0,5%
КИЁЖ+КТЎЖ	мутл.	1118	927	242	272	85	2644
	нисб	42,3%	35,0%	9,2%	10,3%	3,2%	6,0%
КИЁЖ+ИТТЎЖ	мутл.	82	61	28	5	0	176
	нисб	46,6%	34,7%	15,9%	2,8%	-	0,4%
Жами	мутл.	15245	10242	7540	5703	5340	44070
	нисб	34,59	23,24	17,11	12,94	12,12	100%

2015-2019 йиллар бўйича кўз жароҳати оғирлик даражасини таҳлил қилиш натижасида оғир (57,0%) ва ўта оғир (52,8%) даражадаги жароҳатлар етакчилик қилиши аниқланди. Таъкидлаш жоизки, ОКЖда оғир ва ўта оғир даражадаги жароҳатлар 66,7% ҳолатда, айниқса КИЁТ бўлган ҳолларда кузатилган бўлиб, бу жараённинг оғир кечиши, прогностик жиҳатдан ёмон функционал натижаларга олиб келишидан далолат беради (3-жадвалга қаранг).

Ўзбекистон Республикасида кўз жароҳатлари бўлган беморларнинг кўриш қобиляти таҳлил қилинганда шу нарса аниқландики, аксарият ҳолларда (81%) 0,1 ва ундан паст бўлган кўриш фаолиятлари қайд этилди. Бунда уларнинг таркибида КОЖ 66,7% ни ташкил этган бўлиб, КИЁЖ + КТЎЖ ва КИЁЖ+ИТТЎЖ гуруҳларда етакчилик қилган, мос равишда 82,7% ва 86,2%.

2015-2019 йиллар учун жароҳат турига қараб оғирлик даражаси тавсифи

Кузатилган йиллар	Жароҳат тури	Оғирлик даражаси				жами
		енгил	ўрта	оғир	ўта оғир	
2015	ОКЖ	313	422	677	807	2219
		14,10%	19%	30,50%	36,40%	
	ЁКЖ	1619	2675	1796	1301	7391
		21,90%	36,20%	24,30%	17,60%	
2016	ОКЖ	306	411	722	782	2221
		13,80%	18,50%	32,50%	35,20%	
	ЁКЖ	1813	2827	2067	1212	7919
		22,90%	35,70%	26,10%	15,30%	
2017	ОКЖ	280	322	508	743	1853
		15,10%	17,40%	27,40%	40,10%	
	ЁКЖ	1133	2509	1585	1140	6367
		17,80%	39,40%	24,90%	17,90%	
2018	ОКЖ	235	337	567	553	1692
		13,90%	19,90%	33,50%	32,70%	
	ЁКЖ	1076	1803	1509	1160	5548
		19,40%	32,50%	27,20%	20,90%	
2019	ОКЖ	269	371	612	587	1839
		14,60%	20,20%	33,30%	31,90%	
	ЁКЖ	1334	2682	1825	1180	7021
		19%	38,20%	26%	16,80%	
Жами	ОКЖ	1403	1863	3086	3472	9824
		14,30%	19,00%	31,40%	35,30%	
	ЁКЖ	6975	12496	8782	5993	34246
		20,40%	36,50%	25,60%	17,50%	

Ўтказилган реабилитация чораларидан сўнг кўриш ўткирлиги тахлили кўрсатишича, жароҳат жараёни оғирлиги ҳамда беморларнинг кеч мурожаат қилиши туфайли 18,3 % ва 25,0% ҳолатда кўз ўткирлиги ёмонлашган, 56,7% ҳолатда эса ўзгаришсиз қолган. КИЁТ бўлган ОКЖда бу айниқса яққол намоён бўлган, бунда КИЁЖ+КТЎЖда кўз ўткирлигининг ёмонлашуви 3% да қайд этилган, КИЁТ+ИТТЎЖ да эса - 4%, кўз ўткирлиги яхшиланиши эса КИЁЖ+КТЎЖда 0,6% ни ташкил этди холос, КИЁЖ+ИТТЎЖ эса мос равишда 0,2% ҳолатда.

Ўзбекистон Республикасида текширув йиллари давомида кўз жароҳатларида шошилиш ёрдам кўрсатиш бўйича даволаш чоралари тахлили КОЖни даволаш бўйича ягона тактика мавжуд эмаслигини кўрсатди. Шошилиш ёрдам таркибига фақатгина шох парда яхлитлигини ва фиброз қават герметиклигини тиклаш кирган. Ёт жисм бўлганида шошилиш аралашувлар характери БЖИ доирасида диасклерал йўл билан КИЁЖни олиб ташлаб, эндовитреал технологияларнинг замонавий имкониятларидан фойдаланмасдан кейинчалик узоқ вақт консерватив даволаш билан чекланди. Таъкидлаш лозимки, КИЁЖни диасклерал олиб ташлаш, айниқса у шишасимон тана ва кўз туби тузилмаларида бўлганида, кўп жиҳатдан

кейинчалик асоратлар юзага келишига олиб келади. Бунда хатто БЖИ доирасида диасклерал йўл билан КИЁТ муваффақиятли олиб ташланганда ҳам, каттагина жароҳат юзага келиб, кўз соққаси анатомик тузилмалари топографик ўзаро алоқаларининг кўпол равишда бузилиши, функционал жиҳатдан кўз нозик тузилмаларининг жароҳатланиши ва жароҳатдан сўнг ривожланиб борувчи ПВР, тракцион синдром ва тўр парданинг тракцион кўчиши каби хавфларни келтириб чиқаради.

Республика бўйича архив материаллари таҳлили шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда замонавий юқори технологик микроинвазив витреоретинал операциялар ўта чекланган характер касб этади.

Шу тариқа, Ўзбекистон бўйича 2015-2019 йиллар учун кўз жароҳати натижаларини ўрганиш шуни кўрсатдики, бир томондан, кўриш қобилияти ёмонлашган паст кўрсаткичли клиник-функционал натижалар олинган жароҳат оғирлиги билан боғлиқ, иккинчи томондан, улар жарроҳлик йўли билан даволашнинг замонавий усулларидан етарли даражада фойдаланмаслик, Ўзбекистон ҳудудларида витреоретинал технологияларнинг мутлоқ йўқлигини кўрсатади.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, орқа қисми шикастланган ва КИЁЖ бўлган кўз соққаси тешиб ўтган жароҳатлари ҳудудлар учун алоҳида долзарблик ва ижтимоий аҳамият касб этади, дейишимиз мумкин.

«Кўз ички ёт жисми билан асоратланган кўз орқа қисми шикастланган кўзни тешиб ўтган жароҳатларни жарроҳлик йўли билан даволаш босқичлари, ҳажмини оптималлаштириш» деб номланган тўртинчи бобда КИЁЖ билан асоратланган КТЎЖни жарроҳлик йўли билан даволашда турли усулларнинг клиник самарадорлиги ўрганилди.

Клиник материал 2018-2020 йиллар давомида РКККда ташхисланган ва операция қилинган 120 нафар бемор (120 та кўз) ни ўрганиш натижаларига асосланган.

Биринчи (асосий) гуруҳга ихтисослашган шошилишч ёрдам икта босқичда амалга оширилган беморлар (40 та кўз) саралаб олинди. Дастлабки босқичда БЖИ амалга оширилган. Иккинчи босқичда ВРЖ (эрта кечиктирилган) доирасида БЖИдан сўнг 24 соат ичида КИЁЖ трансвитреал йўл билан олиб ташланган. Касаллик муддати бунда 15 ± 5 соатни ташкил этган. Кўриш ўткирлиги 0,05 ва 0,1 оралиғида бўлиб, ўртача ҳисобда $0,04 \pm 0,01$ ни ташкил этган. Оғир жароҳатлар (11 та кўз) барча жароҳат олганларнинг 27,5% ини ташкил этди (4-жадвалга қаранг). 42,5 % ҳолатда (17 та кўз) кириш тешиги шохпардада бўлиб, 35% (14 та кўз) ҳолатда склера соҳасида жойлашган ва 22,5% (9 та кўз) ҳолатда корнеосклерал табиатга эга бўлди. Ушбу гуруҳдаги ёндош жароҳат асоратларига турли жадалликдаги жароҳатли катаракта - 30% (12 та кўз), тўр парданинг периферик йиртилишлари, жумладан, рикошетлаш ҳудудидаги йиртилишлар - 22,5% (9 та кўз), қисман гемофтальм - 40% (16 та кўз) ҳамда тўр парданинг травматик регматоген кўчиши – 17,5% (7 та кўз) кирган. Бундай кўчишга хос характерли хусусият – кўз соққасига КИЁЖ кирган жойда, шунингдек, унинг рикошетланиш ҳудудида тўр парда зарарланади. Шошилишч чора-тадбирлар

ҳажми шохпарда, фиброз капсула бутунлигини тиклаш, қон тўхтатиш ва кўз ичи инфекцияси профилактикасини ўз ичига олган. ВРЖ субтотал ВЭ 23G, КИЁЖ ни тўр парда билан боғлаб турган преретинал шварталар ва витреал тракцияларни кесиш, шунингдек, орқа гиалоид мембранасини олиб ташлашдан иборат бўлган. ПФОС муҳотида йиринг ва тракцион компонентларнинг олдини олиш учун КИЁЖ атрофида чандиқли тўсиқ ҳосил қилиш мақсадида тўр парда эндолазеркоагуляцияси амалга оширилган. ПФОС қати остида интраоперацион асоратлар (тўр парда йиртилиши, гемофтальм, тўр парда кўчиши)нинг олдини олиш ҳамда кейинчалик уни витреал бўшлиқдан цангли пинцет ёки магнит билан олиб ташлаш мақсадида ёт жисм четлари бўшатилади. КИЁЖ олиб ташланганидан сўнг қон суртмалари, ёт жисм бирикган жой йиринг ва преретинал мембрана яхшилаб олиб ташланди. Тўр парда периферик йиртилишлари ва КИЁЖ рикошетланган ҳудуддаги тўр парда нуқсонлари қўшимча эндолазеркоагуляция учун кўрсатма бўлиб хизмат қилиб, ундан сўнг ПФОС газ-ҳаво аралашмаси билан алмаштирилиб (20% SF₆, 16% C₂F₄ ёки 12% C₃F₈), бемор 3-5 суткага юзи билан пастга қараб ётқизилди. Қисман гемофтальм аниқланганда фибриноз-ўзгарган шишасимон тана олиб ташланиб, шишасимон тананинг орқа кўчиши индукцияси бажарилган ва орқа гиалоид мембранасини олиб ташланга. Ички чегара мембрана пилинги эпиретинал мембрана кўринганда амалга оширилган. Тўр парданинг жароҳатли кўчиши аниқланган ҳолларда тотал витрэктомия 23G ўтказилиб, витреоретинал тасма ва шварталар яхшилаб олиб ташланди, ПФОС эндотампонадаси амалга оширилди, тўр парда ва унинг чекка қисмларида аниқланган барча йиртилишлар эндолазеркоагуляция қилинди, шунингдек, тўр парданинг энг чекка қисми йирик посттравматик нуқсонлари транссклерал криокоагуляция ва склерокомпрессия қилинди, кейинчалик ПФОС газ-ҳаво аралашмаси ёки кўрсатмаларга кўра силикон билан алмаштирилди. ВРЖ давомида травматик катаракта бартараф этилиб, имкон қадар гавҳар капсуласи сақланиб қолинди.

Иккинчи гуруҳ (таққослаш гуруҳи)ни БЖИ ўтказилгандан сўнг 3 кундан кечиктирмай кейинги қолдирилган ВРЖ ўтказилган беморлар гуруҳи 40 та кўз ташкил этди. Бунда касаллик муддати ўртача ҳисобда $1,75 \pm 0,5$ кунни ташкил этди. Кўриш ўткирлиги 0,01 билан 0,2 оралиғида бўлиб, ўртача ҳисобда $0,06 \pm 0,04$ ни ташкил этади (4-жадвалга қаранг). Жароҳат даражаси юқори бўлган беморлар 22,5% ни ташкил этади (9 та кўз). Аксарият ҳолларда - 40 % (16 та кўз) яра шох пардада жойлашган, 35 % (14 та кўз) беморда жароҳат склерада ва 25% (10 та кўз) ҳолатда—корнеосклерал жойлашган. Жароҳатланган-ларнинг 27,5%ида (11 та кўз) турли даражадаги травматик катаракта, тўр парда йиртилиши, жумладан, мос равишда рикошетли нуқсонлар – 15% (6 та кўз), қисман гемофтальм - 50% (20 та кўз) ва тўр парданинг регматоген кўчиши - 12,5% (5 та кўз) кузатилган. БЖИ доирасида ярани синчиклаб текшириш, жароҳат канали йўналишини аниқлаш, унинг, чуқурлиги ва кўз ички тузилмаларининг жароҳатланиш даражасини аниқлаш, шунингдек, кириш тешиги атрофини герметизациялаш киради. БЖИдан сўнг

2-3 сутка давомида кейинги қолдирилган ВРЖ ўтказилиб, КИЁЖ эндовитреал олиб ташланди. Таҳлил қилинаётган гуруҳда ВРЖ таркибига худди шундай амаллар киради.

Учинчи (назорат) гуруҳ (40 та кўз)га КИЁЖ 1,5-2 ой олдин бажарилган БЖИ доирасида диасклерал усулда олиб ташланган беморлар кирди. Ушбу гуруҳда кейинги посттравматик асоратлар бўйича кейинги ВРЖ ўтказилди. Касаллик муддати 1 дан 2,5 ойгача муддатни ташкил этиб, ўртача 1,5 ой±10 кундан иборат бўлди. Текширилаётган гуруҳда кўриш ўткирлиги 0,03 дан 0,25 гача бўлиб, ўртача ҳисобда 0,09±0,03ни ташкил этди. Жароҳат даражаси оғир бўлган беморлар аниқланмади. Текширилаётган гуруҳда турли даражадаги катаракта 67,5% (27 та кўз) ҳолатда, ҳосил бўлган гемофтальм 15% (6 та кўз) ҳолатда, КИЁЖ олиб ташланган ҳудудда тўр парданинг йиртилиши 2,5% (1 та кўз) ҳолатда, тракцион-регатоген кўчиши 5% (2 та кўз) ҳолатда кузатилган. Масалан, барча беморларда кейинги посттравматик асоратлар, жумладан, турли даражадаги ПВР - 82,5% (33 та кўз) ҳолатда, тракцион синдром - 80 % (32 та кўз) ҳолатда, шишасимон тана фибрози - 42,5 % (17 та кўз) ҳолатда ва тўр парданинг тракцион кўчиши – 27,5% (11 та кўз) ҳолатда кузатилган (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

Таққослаш гуруҳларида беморларнинг клиник характеристикаси

Клиник белгилари	Таққослаш гуруҳлари		
	Асосий (n=40)	Таққослаш гуруҳи (n=40)	Назорат (n=40)
Касаллик муддати	15±5 соат	1,75±0,5 кун	1,5 ой±10 кун
Кўриш ўткирлиги	0,04 ± 0,01 (0,005 –0,1)	0,06± 0,04** (0,01–0,2)	0,09± 0,03*** (0,03 –0,25)
Оғир даража	11 (27,5%)	9 (22,5%)	-
Ёндош асоратлар, жумладан, травматик катаракта	12 (30%)	11 (27,5%)	27 (67,5%)*
қисман гемофтальм	16 (40%)	20 (50%)	6 (15%)*
тўр парданинг периферик йиртилиши	9 (22,5%)	6 (15%)	1 (2,5%)*
шишасимон тана фибрози	-	-	17 (42,5%)
тўр парданинг регатоген травматик кўчиши	7 (17,5%)	5 (12,5%)	-
тўр парданинг тракцион- регатоген травматик кўчиши	-	-	2 (5%)
тўр парданинг тракцион травматик кўчиши	-	-	11 (27,5%)

Изоҳ:*- асосий гуруҳга таққослаганда статистик аҳамиятли фарқлар (* - P <0,05; ** - P<0,01;*** - P<0,001);•-таққослаш гуруҳи ва назорат гуруҳи маълумотлари ўртасидаги статистик аҳамиятли фарқланишлар (• -P <0,05; •• -P <0,01; ••• - P <0,001)

